

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ОРГАНИ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДАГИ ЎРНИ.

Ходжаев Зафар

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф жиноятга оид ариза, шикоятларни кўриб чиқишида терговга қадар текширув органларининг тушунчаси, ваколатлари, жиноят ишини юритишдаги роли ва аҳамиятига тўхталган. Шунингдек муаллиф терговга қадар текширув органлари бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг фикр мулоҳазалари билан илмий баҳсга киришиб, амалиётдаги учраётган муаммоларни таҳлил қилган ҳолда илмий асосланган таклифларни илгари суради.

Калит сўзлар: ариза, шикоят, жиноят, терговга қадар текширув органлари, жиноят иши.

АННОТАЦИЯ

В этой статье автор рассматривает концепцию, полномочия, роль в уголовном судопроизводстве и важность следственных органов до начала расследования уголовного дела, рассмотрения жалоб. Автор также выдвигает научно обоснованные предложения, вступая в научную полемику с отзывами ученых-юристов о следственных органах до начала расследования, анализируя проблемы, возникающие на практике.

Ключевые слова: заявление, жалоба, преступление, органы, осуществляющие доследственная проверка, уголовное дело.

ANNOTATION

In this article, the author examines the concept, powers, role in criminal proceedings and the importance of investigative bodies before the start of the investigation of a criminal case, consideration of complaints. The author also puts forward scientifically sound proposals, engaging in scientific polemics with the opinions of legal scientists about investigative bodies before the investigation begins, analyzing problems that arise in practice.

Key words: statement, complaint, crime, bodies carrying out pre-investigation checks, criminal case.

Ўзбекистонда хуқуқий демократик давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ўз навбатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизмини яратилишини тақозо этади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасини тақомиллаштириш, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда ҳеч бир шахснинг хуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати камситилишига ҳамда содир этмаган қилмиши учун ноҳақ жавобгарликка тортилишига йўл қўймасликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда жиноятчиликни жиловлаш, жиноий қилмишлар учун жавобгарликнинг мукаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, терговга қадар текширув амалиёти таҳлили ушбу фаолиятни амалга оширувчи органларнинг фаолият самарадорлигига тўсқинлик қилаётган, жиноятларни фош этишга кўмаклашувчи органларнинг холислигига салбий

таъсир кўрсатаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, терговга қадар текширув жараёнини такомиллаштириш борасида чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Терговга қадар текширув тушунчаси жиноят-процессуал қонунчилигида нисбатан янги тушунча ҳисобланса-да, лекин унинг янгилиги ушбу тушунчанинг аввал юридик адабиётларда, илмий нашрларда ёки ишлатилмаганлиги билан эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»¹ги ЎРҚ-442-сон қонуни қабул қилиниши асосида янги мазмунга эга бўлганлиги билан боғлиқдир. Мазкур қонун билан жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичи янги таркибий тузилишга эга бўлди, яъни ишни судга қадар юритиш босқичи терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов каби босқичларга бўлинди¹. Жиноят-процессуал кодексининг 320²-моддасида эса: “Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва саклашга доир чораларни ўз ичига олади.” - деб таъкидланган. Назаримизда, қонуннинг ушбу нормасида келтирилган терговга қадар текширув тушунчасида, бир қатор ноаниқликлар мавжуд бўлиб, уларга аниқлик киритиш учун Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширувга доир мавжуд таърифларга мурожаат қилишни лозим деб топдик.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 6 сентябрь ЎРҚ-442-сон қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами-2017.-36сон- 943-модда

Ҳозирги кунга қадар юридик адабиётларда терговга қадар текширув тушунчасига оид яқдил фикр мавжуд эмас. Бу эса ушбу институтнинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Айрим олимлар терговга қадар текширув жараёнини жиноятларни тергов қилишининг бир кўриниши сифатида талқин этишса², иккинчи гурӯҳ олимлари ишни судга қадар юритишнинг босқичи сифатида таъкидлаб, дастлабки терговдан олдин юз берадиган ҳодиса³, кейинги гурӯҳ олимлари эса терговга қадар текширувни маълум давлат органларининг фаолият кўриниши дейди, яна бир гурӯҳ олимлар, терговга қадар текширувни аниқ тушунча эканлигини, жиноят процессининг мустақил босқичи эканлигини таъкидлайдилар⁴.

Жумладан, У.Т. Таджихановнинг таъкидлашича, «терговга қадар текширув серқирра тушунча бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида жиноят ишини қўзғатиш, уни қўзғатишни рад этиш масаласи ҳал этилади⁵.

Терговга қадар текширув тушунчасига яна бир олим томонидан берилган таъриф мавжуд бўлиб, унга кўра жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш жараёни тушунилади⁶, деб қайд этилган.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1. Тахрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Ахмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ. – Т., 2000. – Б. 736

³ Рашидов Б.Н. Терговга қадар текширув: Маъruzalar kursi / Masъul muҳarrir юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.149; Danie Kloppers herstellende gerechtigheid in gevalle. Litnet Akademies, Joernaal vir die geesteswetenskappe,14 (1) 345-373, 2017.; KL.De Clerk. The role of the victim in the criminal justice system/How victims rights extension led to restorative justice. University of Pretoria, 2013. Р145.

⁴ Иногомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Умумий қисм. – Т., 2008. – Б. 285; Умарханов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфзизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. –Т., 2005. – Б.76.; Чубтоев М.Р. Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг ҳалқаро тажрибаси: Ўқув кўлланма. – Т.,2014. – Б.77.

⁵ Юридик энциклопедия / юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., – 2001. – Б.156– 157.

⁶ Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик (юридик фанлар доктори, профессор М.А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 20

Д.М. Миразовнинг фикрича, терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласи ҳал этилади⁷. Ушбу босқичда жиноий қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади⁸.

Д. Кенжабоевнинг таъкидлашича, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиши натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади⁹.

М.Д.Ботаевнинг фикрича, “Терговга қадар текширув бу ишни судга қадар юритишининг алоҳида босқичи бўлиб, тегишли ваколатларга эга бўлган масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимиdir.¹⁰”

Юқорида билдирилган фикрларнинг чуқур таҳлили эса терговга қадар текширувга нисбатан қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқиши имконини берди:

Терговга қадар текширув деганда, жиноятчиликка қарши кураш вазифалари юклатилган, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа

⁷Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контролъ ва назоратни такомиллаштиришининг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Юрид. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 2016. – Б 128.

⁸ Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув кўлланма. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 4.

⁹ Кенжабоев Д., Матмуродов А. Жиноят-процессуал қонунчилигига терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари. // Юридик фанлар ахборотномаси 2018 – 2-сон. Б. 121.

¹⁰ Ботаев М.Д. Терговга қадарли текширув институтини такомиллаштириш: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2020. – С.22.

маълумотлар юзасидан далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилингандарни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий заар қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмас процессуал ҳаракатларни ўтказиш фаолиятидан иборат ишни судга қадар юритишнинг бирламчи босқичи тушунилади.

Терговга қадар текширув органларининг фаолияти нафақат жиноят-процессуал, шунингдек тезкор қидириув функцияларини бажаришга қаратилганлиги билан ўзига хос хусусиятга эга. Ўз навбатида, терговга қадар текширув органларининг жиноят-процессуал фаолияти қуидагиларни ўз ичига олади: жиноятлар ҳақидаги ариза (хабар)ларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш; жиноят ишини қўзғатиш учун бошқа сабаблар мавжуд бўлганда терговга қадар текширув ўтказиш; суриштирувчи ва терговчиларнинг топшириғи бўйича тезкор қидириув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш; суриштирувчи ва терговчилар томонидан амалга оширилаётган айрим тергов ҳаракатларини ўтказишида кўмаклашиш.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органинг мансабдор шахси суриштирувчи ва терговчининг процессуал ҳаракатлар ва тезкор қидириув тадбирларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт. Топшириқни белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаса, бу ҳақда топшириқ берган шахс хабардор қилинади ва ундан бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилиш мумкин. Суриштирувчи ёки терговчининг талабига асосан терговга қадар текширув органи мансабдор шахси тергов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шунингдек жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўлиши эҳтимол тутилган ҳужжатлар ва бошқа материалларни танишиб чиқиш ёки ишга қўшиб қўйиш учун тақдим қилиши шарт. Суриштирувчи ва терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва

талабларини терговга қадар текширув органи мансабдор шахсига терговга қадар текширув органининг бошлиғи орқали юборади¹¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 39¹-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида қуидагилар терговга қадар текширув органлари ҳисобланади:

- 1) ички ишлар органлари тизимидағи терговга қадар текширувни амалга оширувчи хизматлар;
- 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари;
- 3) давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари;
- 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари;
- 6) чегарани қўриқлаш органлари;
- 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;
- 8) давлат божхона хизмати органлари;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари;
- 10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат қўрсатиш соҳасидаги ҳукуқбузарликларни профилактика қилиш қилиш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари.

¹¹ Рашидов Б.Н. Терговга қадар текширув: Маъruzalар курси / Маъсул мухаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.9-10.

12) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари.

13) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси 2-қисмида “Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичидага терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча хужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириклар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади”-деб кўрсатиб ўтилган. Бизнингча, қонунинг ушбу моддасида кўрсатиб ўтилган чекловлар, терговга қадар текширув органларининг ваколатларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Терговга қадарли текширув якуни бўйича қарор қабул қилиш учун тергов-эксперемент ўтказиш ёки томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида юзлаштириш зарурати туғилган тақдирда, мансабдор шахснинг ваколат доираси чекланганлиги сабабли қонуний қарор қабул қилиш имкони мавжуд эмас.

Хулоса қилиб айтганда, терговга қадар текширув судга қадар иш юритишининг бирламчи ва асосий босқичи хисобланар экан, тергов қадар текширув олиб боришига маъсул бўлган мансабдор шахсларнинг ваколат доираси кенгайтирилган тақдирда қабул қилиган қарор жамиятнинг манфаати учун хизмат қиласди.